



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Бурдиашвили Майя
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный университет, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозогистон Республикаси*

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозогистон Республикаси*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доцент

Толипов Файзулла Саидович
Тошкент давлат техника университети доцент, тарих фанлари номзоди

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Гулчехра Азизовна Агзамова XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН.....	4
2.Илёсхон Мухиддинович Бурхонов «ЗАКОТ» - ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ.....	11
3.Зумрад Касимова УЙЎУР АДАБИЁТИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4.Муродулла Мирзаев ЎЗБЕКИСТОН АСОСИЙ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ.....	21
5.Сайёра Турғуновна Мирсоатова, Раънохон Ўринбой қизи Аҳмадалиева ЎЗБЕКИСТОНДА МЕЗОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ.....	30
6.Акмалжон Марозиқов ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ –ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	37
7.Shoirra Sayfiyevna Ochilova O'RTA ASR UYG'ONISH DAVRI SHARQ ALLOMALARINING INSONPARVARLIK - GUMANISTIK G'OYALARI.....	43
8.Нилуфар Ахматовна Жумаева, Феруза Холмаматовна Утаева ЗИРОАТЧИЛИК ҲОМИЙСИ - БОБОДЕҲҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР (Бухоро воҳаси мисолида).....	49
9.Dilrabo Shomurodovna Murodova BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVI MANBALARINING O'ZBEKISTON TARIXINI YORITISHDAGI ANAMIYATI.....	56
10.Жасур Жамшитжонович Якобжанов МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИ.....	61
11.Гулсина Исмойиловна Ҳошимова ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.....	68
12.Kurbanov Golib Negmatovich SO'NGGI O'RTA ASRLAR BUXORO AN'ANALARI VA MAROSIMI.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Зумрад Касимова,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент Ахборот технологиялари университети
“Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
Kasimova_zumrad@mail.ru

УЙҒУР АДАБИЁТИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

For citation: Zumrad Kasimova. RESEARCH OF THE WORK BY ALISHER NAVOI IN THE HISTORY OF UYGHUR LITERATURE. Look to the past. 2020, vol. 5, issue 3, pp.16-20



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-5-3>

АННОТАЦИЯ

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодини барча туркий халқлар қаторида уйғур адабиётшунослари томонидан ҳам тадқиқ қилинган. Шу билан бирга, шоирнинг ижоди уйғур адабиёти таракқиётига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, уйғур олимлари, уйғур адабиёти, адабиётшунослик, ижодиёт.

Зумрад Касимова,
Ташкентский университет информационных технологий.
Старший преподаватель кафедры “Гуманитарные науки”
Kasimova_zumrad@mail.ru

ИЗУЧЕНИЕ ТВОРЧЕСТВА АЛИШЕРА НАВОИ В ИСТОРИИ УЙГУРСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

АННОТАЦИЯ

Творчество великого мыслителя Алишера Навои изучали как уйгурские литературоведы так и все тюркские народы. В то же время творчество поэта повлияло на развитие уйгурской литературы.

Ключевые слова: Алишер Навои, уйгурские ученые, уйгурская литература, литературная критика, творчество.

Zumrad Kasimova,
Tashkent University of Information Technologies
named after Muhammad al-Khwarazmi
Senior Lecturer, Department of Humanities studies.
Kasimova_zumrad@mail.ru

RESEARCH OF THE WORK BY ALISHER NAVOI IN THE HISTORY OF UYGHUR LITERATURE

ABSTRACT

An Uyghur literary scholar studied the great thinker Alisher Navoi among all Turkic peoples. At the same time, poetry of Navoi also influenced the development of Uyghur literature.

Index Terms: Alisher Navoi, Uigur scholars, Uigur literature, literary criticism, creativity

1. Долзарблиги:

Уйғур адабиёти, жаҳоннинг ҳамма адабиётларида бўлганидек, асрлар давомида ўзига хос анъаналарига сайқал бериб, ривожланиб келди. Шарқий Туркистоннинг Қашқар, Ёркенд, Хўтон ва Урумчи каби қатор нуфузга эга бўлган маданий-адабий марказларида сўз санъатининг равнақи билан уйғур адабиётининг кўплаб мумтоз анъаналари шаклланди ва улар авлоддан-авлодга ўтиб, нодир бадий обидаларда ўзини намоён қилиб турибди.

Уйғур адабиёти ўз тарихи давомида жаҳон адабиёти билан бир қаторда ривожланган бўлиб, бир томондан, кўшни туркий халқларнинг адабиётлари билан, иккинчи томондан эса, форс-тожик, араб ҳамда хитой адабиётлари билан ўзаро алоқада бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, жаҳон адабиёти дурдоналарига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Уйғур адабиётига тарихан яқин бўлган, ўзининг илк тараққиёти босқичларида доимо ҳамдам бўлган, кейинчалик ўзаро адабий алоқалари изчил давом этган адабиёт – бу ўзбек адабиётидир. Уйғур ва ўзбек адабиёти ҳар жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлиб келмоқда. Буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий (1441-1501) ижоди ушбу икки халқнинг адабий алоқаларини самарадорлигига раҳнамолик қилмоқда.

Алишер Навоийнинг ижод тажрибаларидан ўрганишда уйғур шоирлари фаоллик кўрсатганлар. XVI асрда яшаган шоирлар ҳомийси Абдурашидхондан бошлаб, XIX аср шоири Билол Нозимгача Навоийнинг маҳорат мактабига мурожаат қилиш изчил бир жараён сифатида кечди. Бирок, уйғур шоирларининг Навоий анъаналарига мурожаат этиши бошқалардан нусха олиш ҳам; тақлид ҳам эмас эди. Аслида Навоийга мурожаат этиш жаҳон адабиёти тажрибасида бўлганидек, даҳолардан ўрганиш, уларнинг ижодий тажрибаларидан баҳра олиб, янги ижодий кашфиётларга қўл уришни билдирар эди. Қолаверса, Навоийга мурожаат этиш устоз анъаналарини давом эттириш қобилиятига эга бўлган ижодкорларни ҳам ҳам талаб қилар эди. Уйғур адабиётида ана шу шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, унинг Хирқатий, Низорий, Ғарибий, Залилий, Муҳаммад Содиқ Қашғарий каби намояндлари Шарқ адабиётининг билимдонлари сифатида танилган.

Уйғур адабиёти тарихини изчил ўрганиш, унинг асрлар қаърида қолиб кетган саҳифаларини янгидан кашф этиш буни яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, XIX асрнинг ўрталарида Қашқарда тартиб берилган, ўз мундарижасига кўра, истеъдодли уйғур шоирлари Абдурахим Низорий, Турди Ғарибий ва Наврўзохун Зиёйларнинг асарларидан таркиб топган ва шартли равишда “Мухаббат дostonлари” деб аталиб келинаётган мажмуа кўлёмасининг кенг китобхонлар омасига маълум бўлиши билан уйғур адабиётининг тарихан жуда катта мавқеи яна бир маратоба аён бўлди. Уйғур адабиётининг ўзбек адабиёти намояндаси Алишер Навоий ижоди билан алоқасига оид янги саҳифалар очилди. Шунга кўра, “Алишер Навоий ва уйғур адабиёти” мавзуининг кенг камровли, муаммолари кўп, уларни муқоясали таҳлил йўли билан ўрганишни давом эттириш адабиёт тарихчиси учун уйғур ва ўзбек адабий алоқаларининг шакл ва усуллари, қонуниятлари, адабий услублари, жанрлари оламидаги янгиликларнинг хусусиятларига оид муҳим материал беради.

2. Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, уйғур адабиёти тарихида Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши тадқиқ этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Алишер Навоий ижодини ўрганган, шоир таъсирида ижод қилган уйғур шоирлари, адиблари ва адабиётшунослари нафақат Шарқий Туркистонда балки, Ўзбекистон,

Қоғозистон, Россия Федерацияси, Туркия, Европа мамлакатларида ҳам тўхтаб қолмаган. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам уйғур адабиётшунослари Алишер Навоий ижодини асосида илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Уйғур ва ўзбек адабиётшунослигида мазкур мавзу кўпдан буён тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келди. Уларнинг ечимига С.Е. Малов, А.Зиёй, М. Ҳамроев, Ю. Мухлисов, У. Маматохунов, С. Эркинов, Р. Қодирий, Ш.Умар, В.Ғўпур, А. Хусайн, Т. Алиев, С.Маллаудов, Д. Рўзиева, И.Имиров, Қ.Ҳасанов, Д.Райҳонов каби тадқиқотчилар муносиб ҳисса қўшдилар. Бу йўналишда уйғур адабиётида Навоий анъаналари масалаларини тадқиқ этган М.Ҳамроев, Ю. Мухлисов, Р. Қодирий, Д. Рўзиева ва Д. Райҳоновларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаш керак. Бу хусусда уйғур олимлари жамоаси томонидан яратилган “Уйғур адабиётининг қисқача тарихи”, “Уйғур классик адабиёти тезислари” каби асарларда ҳам илмий аҳамиятга молик хулосалар баён қилинганлигини қайд этиш лозим[18].

Филолог олим Р. Қодирий уйғур шоирлари учун “Навоий ўлмас асарлари бир неча асрлар давомида маҳорат сирларини ўрганадиган адабий мактаб бўлиб хизмат қилди”[19: 52], деб ёзган. Тадқиқотчи олим М.Ҳамроев эса Навоий ижодининг уйғур шоирларига ижобий таъсири хусусида сўз очиб, унинг икки йўл билан давом этганлигини таъкидлайди. Унинг биринчиси – уйғур шоирларининг Алишер Навоийдан сўз санъати билимларини ўрганишлари, иккинчиси эса уларнинг Навоий асарларининг мавзу ва сюжетларига мурожат қилишларида кўринади, деган фикрни илгари суради[20: 21]. Ушбу хулоса гарчи уйғур ва ўзбек адабий алоқаларининг ҳамма шакллари қамраб олмас-да, моҳиятан масалага ҳолс ёндашувдир.

Уйғур шоирларининг Алишер Навоий анъаналарига муносабати хусусида Ю.Мухлисов, С. Маллаудов, У. Маматохунов каби бир қатор уйғур олимларининг асарларида ҳам муҳим фикрлар ўртага ташланган[14,11,10,21,15]. Хусусан, Ю. Мухлисов “Асрлар ва асарлар” монографиясида Низорий ва Ғарибий дostonларининг Навоий назмияти билан муқоясаси асосида адабий алоқаларнинг характери ва оқибат самаралари ҳақида кузатишлари билан илмий жамоатчиликнинг эътиборини тортди. Ю. Мухлисов ўз тадқиқотларида Низорийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, Ғарибий “Шоҳ Баҳром ва Дилором” дostonларида Навоий анъаналарига асосланадилар, бироқ ўз олдиларига қўйган ижодий мақсадларидан келиб чиқиб, асар воқеаларини мухтасарлаштириш, айна пайтда унинг тўқимасига ўз янгиликларини сингдириш йўлидан борадилар, деганда ҳақ эди[14: 84].

Мустақиллик йилларида ўзбекистонлик уйғур олимларидан Х.Солиҳова[17], Ҳомидхон Исломий, А.Ходжаевлар ҳам Алишер Навоийнинг илмий меросига эътибор қаратганлар. Уларнинг тадқиқотларида бевосита уйғур ва ўзбек адабий алоқаларига оид кўпгина маълумотлар ҳам берилган.

Алишер Навоий ижодига қизиқиш Хитойда, жумладан, ҳозирги Шинжонг уйғур туманида ҳам ортиб борган. 1941 йилда Хитойдаги Чугучак шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги байрам сифатида нишонланган. Машҳур уйғур шоири Тоибжон Алиев Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-моний” асаридаги ғазалларидан танлаб олиб тузган “Ғазаллар” номли рисоласи 1982 йилда Урумчида нашр қилинган[1]. Ушбу рисоладаги баъзи ғазаллар хитой тилига ҳам таржима қилиниб, Ички Мўғил туманида ҳам нашр этилган. 1988 йилда Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асарининг таркибига кирувчи “Муҳокамматул-луғатайн” дostonи Пекинда нашр қилинган[2,3]. 1991 йили Урумчида шоир таваллудининг 550 йиллиги нишонланди ва бир неча асарлари нашр қилинди[4,5,6]. 1994 йилда шоирнинг бир неча асари уйғур тилидаги журналларда чоп этилган[7,8]. 2001 йилда Пекинда “Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган” илмий анжуман ўтказилган. Ушбу анжумандан сўнг Алишер Навоий асарларининг нашр қилиш, унинг шеърларини хитой ва уйғур тилларида илмий тадқиқотлар олиб бориш ишлари бошланди[22: 231-232].

4. Хулосалар:

Хуллас, Алишер Навоий ижоди барча туркий халқлар қаторида, уйғур адабиётшуносларининг тадқиқотларида муҳим манба бўлган. Уларнинг тадқиқотларида

уйғур адабиётининг тарихий тараққиёти, ўзбек–уйғур адабий алоқаларида Алишер Навоийни тутган ўрни, Алишер Навоийнинг уйғур адабиётига таъсири каби масалалар илмий таҳлил қилинган. Бу масалани ўрганиш орқали навоийшуносликнинг янги қирралари ва долзарб масалаларини очиб беради.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Алишер Навоий: Ғазаллар. Нашрга тайёрловчи Т.Алиев. – Урумчи: “Шинжонг халк нашриёти”, 1982(уйғур тилида) (AlisherNavoi: Gazelles. Prepared by T.Aliev. - Urumchi: Xinjiang People’s Publishing House, 1982 (in Uyghur).
2. Алишер Навоий. “Хамса: Муҳокаматул луғатайин”. Байжинг: Миллатлар нашриёти, 1988 (уйғур тилида) (AlisherNavoi. “Hamsa: MuhokamatulLughatayin”. Beijing: Millatlar Publishing House, 1988 (in Uyghur).
3. Алишер Навоий. Маҳбуб ул қулуб. – Қашқар: Уйғур нашриёти, 1990 (AlisherNavoi. Mahbubulqulub. – Kashgar: Uyghur Publishing House, 1990).
4. Алишер Навоий. “Хамса: Ҳайратул аброр”. Урумчи, 1991 (AlisherNavoi. “Hamsa: Hayratulabror”. Urumchi, 1991).
5. Алишер Навоий. “Хамса: Фарҳод ва Ширин”. Урумчи., 1991 (AlisherNavoi. “Hamsa: Farhod and Shirin”. Urumchi, 1991.).
6. Алишер Навоий. “Хамса: Лайли ва Мажнун”. Урумчи, 1991 (Alisher Navoi. “Hamsa: Layli and Majnun”. Urumchi, 1991).
7. Алишер Навоий. “Лисон ут-тайр” // “Булоқ” журналі. 1994 йил. 1-2 сонлари (Alisher Navoi. “Lisonut-tayr” // “Buloq” magazine. 1994. Numbers 1-2).
8. Алишер Навоий. “Лисон ут-тайр” // “Булоқ” журналі. (Мулло Сидиқ Ёркандий насрлаштирилган нусҳаси). 1994 йил 3-4 сонлари (AlisherNavoi. “Lisonut-tayr” // “Buloq” magazine. (Prose version of Mullo Sidiq Yorkandi).Issues 3-4 of 1994).
9. Аршиддинов Б. Уйғур классиклири ижадийида дастан жанри. – Алмута, 1988 (Arshiddinov B. Epic genre in the works of Uyghur classics. - Almuta, 1988).
10. Маллаудов С. Тарихий дostonлар. Тўплам: Уйғур адабиёти ва фольклоридаги жанрлар. Алмута, 1980 (Mallaudov S. Historical epics. Collection: Genres in Uyghur Literature and Folklore. Almuta, 1980).
11. Маматохунув У. Уйғур адабиёти классиклари. – Тошкент, 1960 (Mamatoxunov U. Classics of Uyghur literature. - Tashkent., 1960).
12. Мугинов А. Описание уйгурских рукописей инс-та народов Азии. – М., 1962 (Muginov A. Description of Uyghur manuscripts of the Institute of Asian Peoples - M., 1962).
13. Мухлисов Ю. Уйғур классик қолязмаларининг каталоги. – Урумчи, 1956 (Muxlisov Yu. Catalog of Uyghur classical manuscripts. – Urumchi, 1956).
14. Мухлисов Ю. Асрлар ва асарлар. Алматы: Наука, 1973 (Muxlisov Yu. Ages and works. – Almaty: Nauka, 1973).
15. Райхонов Д. Место и значение произведений Навои в литературной жизни уйгуров. АКД. – Алмута, 1992 (Rayxonov D.The place and significance of the works of Navai in the literary life of the Uyghurs.AKD. - Almuta, 1992).
16. Розиева Д. Низорий ижодида Навоий традицияси. Тўплам: Уйғур адабиётидики традиция ва наворлик масиллири. – Алмута, 1976 (Roziyeva D. Navoi tradition in Nizari’s work. Collection: Traditions and innovations in Uyghur literature. - Almuta, 1976).
17. Солихова Х. Уйғур дostonчилиги ва насри тараққиётида Алишер Навоий “Ҳамса”сининг ўрни //фил.ф.док.... диссертацияси. – Тошкент: ЎзМУ 1995 (Solihova X. The role of Alisher Navoi’s“Hamsa” in the development of Uyghur epics and prose // Ph.D. - Tashkent: National University of Uzbekistan 1995).

18. Уйғур адабиётининг қисқача тарихи. Алмута, 1983 (A brief history of Uyghur literature. Almuta, 1983).

19. Қодирий Р. Уйғур адабиётида Навоий анъаналари / “Адабий мерос”. 1963. 1-китоб. 52-60б (Qodiriy R. Navoi traditions in Uyghur literature / “Literary heritage”. 1963. Book 1. 52-60p).

20. Хамраев М. Веков неумирающая слова. – Алма-ата, 1969 (Хамраев М. Vekovneumirayushchayaslova. – Alma-Ata, 1969).

21. Хамроев М. Тарих, назария, маҳорат. – Алмута, 1964 (Хамроев М. History, theory, skill. – Almuta, 1964).

22. Хурматжон Фикрат., Қодир Акбар. Ўзбек адабиёти тарихи. Урумчи: Шинжонг халқ нашриёти, 2005. (уйғур тилида) (Hurmatjon Fikrat., Qodir Akbar. History of Uzbek literature. Urumchi: Xinjiang People’s Publishing House, 2005. (in Uyghur).

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000